

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат

Хар йили “Daewoo Textile” Корхонаси, ишчиларни меҳнати ва Корхона ривожига қўшган улкан хиссаси учун рағбатлантириб келади. Мазкур йилда Корхонанинг 11 нафар энг илғор ходимлари Корхона Президенти томонидан Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш имкониятини қўлга киритишди.


Хафталик саёҳат дастури (19.07.2018 - 26.07.2018) Бухоро, Самарқанд, Чимён, Чорвоқ сув омбори, Тошкент, Кўқон, Риштон, Фарғона и Марғилон шаҳарларининг тарихий ва диққатга сазовор жойларини ўз ичига олди. Саёҳат машҳур тур агентликларидан бири бўлган “ANUR TOUR” томонидан ташкил этилди.



Саёҳат Бухородан бошланди. Бизнинг ходимларимиз тарихий Бухоро шаҳрида ушбу вақт ичида шаҳарнинг барча диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишди.

Шу билан биргаликда ишчиларимиз Бухородалик вақтларида «Daewoo Textile» корхонасига ташриф буюрдилар.

Бухородан сўнг эскурсия Самарқанд шаҳрида давом этди. Ишчиларимиз, Самарқанд шаҳрида малакали гид ҳамроҳлигида шаҳарнинг дунёга машҳур тарихий мадрасалирини, мақбараларини зиёрат қилишди.



Бизнинг ходимларимиз Тошкентдан бир неча километр нарида жойлашган Чимён ва Чорвоқ сув омборига ташриф буюришди.

Тошкент бўйлаб
экскурсия: Амир Темур майдони,
Навоий балет ва опера театр
майдони, Амалий санъат музейи,
Мустақиллик майдони ва Жасорат
ҳайкали шунингдек, Тошкент
шаҳридаги Диний Хаста-Имом
мажмуаси мавжуд.

Қўқон шаҳридаги
обидаларни ҳам зиёрат қилдилар.



Шу билан биргаликда
ишчиларимиз Фарғонага
келган вақтларида
«Daewoo Textile»
Корхонасига ташриф
буюрдилар. Корхона офиси
иш жараёни ҳамда йигирув
ишлаб чиқариш жараёни
билан танишишди.

Сўнгра Марғилон шаҳрига
хам ташриф буюришди.

Саёҳатнинг барча иштирокчилари
Ўзбекитоннинг кўзга кўринган жахонга
машхур жойларини зиёрат қилиш
имкониятини, қолаверса мамлакатимиз
тарихини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам
берган Корхона маъмуриятига ўз
миннатдорчиликларини билдиришди.

Корхона раҳбарияти ўз томонидан
ишдаги юқори кўрсаткичлари учун
ходимларни рағбатлантириш дастурини
ривожлантиришга ҳаракат қилади.

